

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Фарғона “Саховат” КНБШУИУ  
директори

Н.А.Аскарова



**Муассасадаги мавжуд саноат кир ювиш, қуритиш,  
дазмоллаш ва дезкамера ускуналарини ўрнатиш  
хизмати бўйича энг яхши таклиф**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона -2022**

## **Мундарижа:**

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Хаммолларни жорий таъмирлаш хизмати калькуляцияси
4. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот

### **1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА**

#### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1. Танлов предмети: Ногиронлиги бўлган шахслар учун мавжуд Муассасадаги мавжуд саноат кир ювиш, қуритиш, дазмоллаш ва дезкамера ускуналарини ўрнатиш хизмати бўйича энг яхши танловини ўтказиш
- 1.2. Танлов қиймати : **12 000 000 сўм**
- 1.3. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Хизматни бажариб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлиб 10 календар иш кун хисобланади.

#### **ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Фарғона “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Фарғона шаҳар Гулистон кўчаси 9 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фарғона “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;  
-танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
- Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

-мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варафини мухраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва мухранган ҳолда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф берни мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгариши киритиш ҳукуқига эга.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун

олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## **2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:**

1. Тадбиркорлик субъектиning (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувоҳнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси.
3. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солиқ идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солиқ идораларидан қарздорлик йўклиги тўғрисида маълумотнома.

**3. Фарғона "Саховат" КНБШУИУ мавжуд кир ювиш,қуритиш,дазмол каландирларини ва дезкамерани ўрнатиш хизмати бўйича  
КАЛЬКУЛЯЦИЯ**

№	Наименование затрат	Стоимость(сум)
1	Кир ювиш машинаси 35 кг ўрнатиш ва ишга тушириш хизмати	3 000 000
2	Кир қуритиш машинаси ўрнатиш ва ишга тушириш хизмати	3 000 000
3	Гладильный каландир ўрнатиш ва ишга тушириш хизмати	3 000 000
4	Дезкамера ўрнатиш ва ишга тушириш хизмати	3 000 000
<b>ЖАМИ:</b>		<b>12 000 000</b>

**4. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

№	Малака талаблари	Бахолаш	Изоҳ
1.	Банк маълумотномаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий аҳволи барқарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Хизматлар тижорат таклифи	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Бажариладиган ишлар калькуляцияси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Бажарилган ишларга 3 йиллик кафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади







